*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 26 май ● сешанба ● № 22 (639) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Мулоҳаза минбари

Маънавий таҳдид-маржонли сиртмоқ 3

# Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида



## Юртим боласи

*Эй, юртимнинг боласи, қизғалдоғи лоласи,*
*Шажаранг, насабларинг саноқсиз достондадир.*
*Тўмарис момонг ҳаққи, Темурбек бобонг ҳаққи,*
*Сенга мерос ҳур Ватан бахтинг шул бўстондадир.*

*Фалак илми, ер илми бобомеросдир сенга,*
*Соҳибқирон, салтанат, улуғлик хосдир сенга,*
*Дунёга мағрур боқмоқ сурури мосдир сенга,*
*Эй, Улуғбек авлоди кўзларинг осмондадир.*

*Ҳар бир воҳангдир буюк, ҳар бир соҳангдир буюк,*
*"Шошмақом"лар сеники, қалбинг оҳангдир буюк*
*Ислом бобонг даъваткор, истиқлол тонгдир буюк,*
*"Куч — адолатда" деган сўзларинг Ҳақондадир.*

*Ҳурлик нима, хўрлик нима ёзилган китобингда,*
*Байроғинг мангу турсин товланиб офтобингда.*
*Ўзлигинг намоён эт ҳар лутф-у хитобингда,*
*Эй, буюк халқ фарзанди, истагинг имкондадир.*

*Онангга ой, отангга қуёшдай боққин болам,*
*Ватанни жон-таним де, ёвларни ёққин болам.*
*Бу олам бир денгиздир дарёдай оққин болам,*
*Ўзбекистондай ватан мангу шараф-шондадир.*

Шукур СОДИҚ



## Сўнгги қўнғироқ

- *Бугунги кунда юртимизда 9769 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд.*
- *Жорий йилда 9-синф битирувчилари сони 595295 нафарни, 11-синф битирувчилари сони 108533 нафарни ташкил этади.*
- *Жорий йилда 1—7-синф ўқувчиларининг 245000 нафари оромгоҳларга жалб этилади ҳамда 91475 нафарининг ёзги таътили мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда ўтказилади. Шунингдек, оромгоҳларга жалб этилмай қолган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ҳам зарурий шарт-шароитлар яратилади. Жумладан, 566 мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгаракларда 504 505 нафар, 398 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 249326 нафар, барча умумтаълим мактаблари ва маҳаллалардаги спорт майдончаларида 164 000 нафар, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган тўгаракларда 175 000 нафар, жами 1 092 831 нафар ўқувчи қамраб олиниши кўзда тутилган.*
- *Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари сони 2686 нафарни ташкил этиб, уларнинг 1040 нафари бевосита Халқ таълими вазирлигининг "Меҳрибонлик" оромгоҳида, 847 нафари Меҳрибонлик уйларига тегишли 9 та оромгоҳда, 799 нафари Меҳрибонлик уйларининг ўзида дам олишлари учун зарур шароитлар яратилган.*

## Орзулари оппоқ битирувчилар

**КЕЧА БАРЧА мактабларда сўнгги қўнғироқ чалинди.**

ЁДИМДА. Қўлимизга қалам тутишни энди ўрганаётган кезларимиз. Эрталаб жонажон мактабимизга кирар эканмиз ёки танаффусда чалинган қўнғироқ овози доим мурғак дилимизга қувонч олиб кирган, бу жарангдор овозни такрор-такрор эшитгимиз келган. Сўнгги қўнғироқ чалинган кунда эса, аксинча кўзда ёш билан қўнғироқнинг чалинмаслигини хоҳлаганмиз. Чунки бу қадрдон қўнғироғимизнинг энг сўнгги чалиниши бўлган. Бу қўнғироқ ҳаётимизнинг беғубор чоғлари, болалик шўхликлари, ўйинқароқлигимиз-у бебошликларимизни ўз бағрига сиғдирган мактабдан узилиб, катта ҳаёт остонасидан ҳатлаётганимиздан дарак бериб жаранглаганди...

Сўнгги қўнғироқ... Йиллар давомида ўзларининг қадрдонларига айланган мактаб меҳрини янада чуқурроқ англай бошлаган ўқувчиларнинг самимий ҳис-туйғуларини болалик орзуларини куйлаб-куйлаб жаранглайди, гўё. Бу қўнғироқ битирувчиларнинг қайноқ қалбида умид ва ишонч, улкан мақсадлар сари шижоат уйғотиб жаранглайди, уларнинг зиммасига улкан масъулият ҳиссини юклайди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Мурожаатлар эътиборда**

**Жорий йилнинг биринчи чорагида адлия органлари томонидан 6 минг 300 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилди** 2

**Омонатга хиёнат**

**ҳар доим охири вой билан тугайди** 4

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## Сен ёлғиз эмассан, болажон

### Яшамоқ курашмоқ демакдир

**ТИРИКЛИК дунёси сир-синоатларга бой. Аммо бир ҳақиқат бор. Яратган жисмонан носоғлом бандаларига ҳам "яшамоқ учун курашиш" қудратини ато этган. Бунга пойтахтимиздаги 1-сонли Мурувват уйига ташриф буюрганимизда амин бўлдик.**

МУРУВВАТ УЙИ директори Татьяна Саидова қўлимизга ушбу маскан ҳақида ҳикоя қилувчи бир талай фотосуратлар ва китобчани тутқазди.

Айни пайтда бу ерда 300 нафар болакай тарбияланмоқда. Болакайлар соғлиги ва ёшига қараб 7 гуруҳга ажратилган, ҳар бир гуруҳга тарбиячи, ҳамшира ва шифокорлар бириктирилган. 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар фидойи инсонлар меҳру-мурувватидан баҳраманд бўлишмоқда.

— Ассалому-алайкум, - дея салом берди дона-дона қилиб болалардан бири.

— Қаранг, қандай тийрак бола. Ақллилигини айтмайсизми? — дейди тарбиячи Холида Шермуҳаммедова унинг бошини силаркан. — Шундай боланинг оёқлари ишламайди. Ҳар қалай, ўтирадиган бўлиб қолди, шунисига ҳам шукр. Илгари ётоқлар гуруҳида эди. Муолажалар таъсирида, уқаловчи ҳамшираларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан шу гуруҳга ўтди.

Болалар ётоғига кирарканмиз, тарбиячига кўзи тушиши билан хурсандчилигидан чапак чалиб, Жамила опа Жалилова бағрига эркаланиб ёпишган қизчанинг шодлигидан ҳайратда қолдик. Уни опичлаб олган тарбиячи изоҳ беради: — Бу қизчамиз миясида шиш билан туғилган экан. Жарроҳлик йўли билан ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳомийларимизга раҳмат. Сифатли дори-дармонлар кучи билан, мана, чопқиллаб юрибди.

Болаларнинг беғубор кулгусидан кўнглимиз яйраса, ногиронлигини кўриб, ғамга ботасан киши. Уларнинг кўпчилигини ота-оналари ташлаб кетган, фарзандлари мажруҳ туғилганидан орланиб хабар олмайдиганлари ҳам учрайди. Болалар бизда давлат қарамоғида. Ҳар қандай меҳрибон ота-она ўрнини боса оладиган тарбиячилар бор.

Болалар вояга етгач, уларни катталар "Мурувват уйлари"га тақсимлашар экан. Уларни кузатиб турганимизда, ёнимизга қўлида гул тутган қизча югуриб келди. Тарбиячисини қучоқларкан, эгилиб таъзим ҳам қилиб қўйди. Зарина исмли бу қизчадан тарбиячи шеър айтиб беришни сўради.

*Бахтиёрман ва шодман —*
*Баҳор келди ўлкамга.*
*Гуллар териб бераман,*
*Меҳрибоним — онамга.*

Она меҳри қандай бўлишини билмаса-да, онаси бағрида эркаланиб ўсмаётган бўлса-да, она ҳақидаги сатрларни шундай мароқ билан айтдики, кўнгилда аллачук ҳислар туғилди. Қизча тарбиячисини қучоқлаб, қўлидаги гулларни унга тутди. Уни кўриб бошқа болалар ҳам югурганча тарбиячи қучоғига отилдилар. Бундан хулоса қилдикки, бу ерда болалар ўз энага ва тарбиячиларидан она меҳридек меҳр кўрмоқдалар.

Болалар — бебаҳо ришта. Бу ришта эса меҳрга муҳтож. Уларнинг ташвиши, тақдири ҳақида ўйлаб, бош қотириб яшаётганлар кўпчиликни ташкил этиши кўнгилга таскин беради.

Сен, ёлғиз эмассан, болажон!

**Гулсумхон ШОДИЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Миннатдорчилик

## Фаол тарғибот

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

КУЧЛИ давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиб борар эканмиз, бугунги кунда ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш энг асосий вазифаларимиздан бирига айланди.

Шу мақсадда Адлия вазирлигининг тарғибот гуруҳи олиб бораётган ишлари, ўтказилаётган фойдали тадбирлар ижобий самара бериши шубҳасиз. Жумладан, ёш ҳуқуқшунослардан таркиб топган тарғибот гуруҳининг Бешариқ тумани ва Қўқон шаҳрида ўтказган қатор учрашувлари ўзининг ноанъанавий усулда ташкил этилганлиги, баҳс-мунозараларга бой бўлганлиги билан вилоятимиз ёшларида катта қизиқиш, ҳуқуқий билимларини пухта эгаллашга янада иштиёқ уйғотди.

Ўйлаймизки, бу каби учрашув ва давра суҳбатлари барча шаҳар ва туманларда ўтказилиши, мутахассисларнинг энг олис қишлоқларгача етиб бориши ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти ошишида катта кўмак бўла олади. Шу эзгу мақсад йўлида жонкуярлик билан фаолият олиб бораётган Адлия вазирлигининг барча мутасадди раҳ-



барлари ва ходимларига миннатдорчилигимизни билдирамиз, ташаббускорлигингизни қўллаб-қувватлаб, келгуси ишларингизда омадлар тилаб қоламиз.

**Барнохон АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси,**
**Бешариқ ижтимоий иқтисодиёт коллежи директори**

**БИЗ Адлия вазирлиги ташаббуси билан Республика юристлар малакасини ошириш марказида ҳуқуқий мавзуда ижод қилувчи журналистлар учун ташкил этилган ўқув курсида қатнашиб, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар ҳақида билимларимизни оширдик. Машғулотлар давомида ўзимизни қизиқтирган жуда кўплаб саволларга жавоблар топдик.**

## Ҳуқуқий сабоқ журналистлар маҳоратини оширади

ЎҚУВ КУРСИДА олган билимларимиз аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мавзуидаги мақолаларни тайёрлашда кўмак беради, журналистик маҳоратимизни оширади, албатта.



Юқори савияда ташкил этилган ушбу ўқув курси учун андижонлик бир гуруҳ журналистлар номидан Адлия вазирлиги жамоасига чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Ҳуқуқшунослар ва журналистлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил фаолиятимизга хизмат қилаверади.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Андижонннома" ва "Андижанская правда" газеталари бош муҳаррири ўринбосари**

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ҳамда идоравий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш" мавзуида семинар ўтказилди.**

## Адлия вазирлигида

# Туркумлаштириш такомиллаштириш

### долзарб масала



УНДА Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул ходимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар ва талабалар иштирок этишди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом"га асосан Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилайди ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятнинг ҳуқуқий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августда **"Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинганлиги ҳам бу борадаги ишларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда эътироф этилишича, ҳужжатнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишнинг бир қатор ҳуқуқий жиҳатлари мавжуд. Жумладан, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатнинг қонуний кучга кирганлигини билдиради, шунингдек, рўйхатдан ўтмаганлик факти унинг суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши учун етарли асос бўлади. Бундай ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирорбир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Семинар иштирокчилари эътиборига вазирликлар ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда "Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари" янги таҳрирда тасдиқланганлиги етказилди. Ушбу ҳужжат 2009 йил 1 июндан кучга киради.

Тадбирда иштирокчилар ушбу соҳада мавжуд тажрибалар ва ютуқлар тўғрисида фикр алмашдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Азизхон НОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими**

## Адлия аралашгач...

# Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

### манфаатларини кўзлаб

**НАВОИЙ вилояти адлия бошқармасининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан корхоналар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

2009 ЙИЛ 1-чорагида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига жами 6 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 2 таси қаноатлантирилган. 4 таси юзасидан муаллифларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Жумладан, 2008 йил 17 декабрда Кармана туманида жойлашган "Bentonite" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси бош директорининг вилоят божхона бошқармаси хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилганда, "Bentonite" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси Минск давлат унитар корхонаси билан тузган 142/392 860-02-143-сонли шартномага мувофиқ импорт қилинган "МАЗ-551605-276030Р Самосвал" русумидаги юк ташишга мўлжалланган моторли транспорт воситаси 2008 йил 22 сентябрь куни 12001/22.09.2008/002745-сонли божхона декларациясига асосан "эркин муомалага чиқариш" божхона режими бўйича расмийлаштирилиб, дастлаб имтиёз қўлланса, кейинчалик, яъни 2008 йил 29 ноябрь куни "олиб кирилган транспорт воситасининг 8704239109 – ТИФ ТН коди юқорида қайд этилган рўйхатда кўрсатилмаган код билан таснифланиб, божхона тўлови ва қўшилган қиймат солиғидан 17 733 700,6 сўм миқдорда нотўғри имтиёз қўлланилган" деган важ билан ноқонуний равишда қўшма корхонадан 17 733 700,6 сўм ундириб олиш ҳақида АТИБ "Ипотекабанк" Навоий шаҳар бўлимига 2008 йил 17 декабрь куни 13-сонли инкассо топшириқномаси қўйилганлиги аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолати бўйича инкассо топшириқномаси ижроси тўхтатилиб, қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида вилоят божхона бошқармасига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома бажарилмагач, божхона бошқармасининг қўшма корхонадан 17 733 700,6 сўм ундириб олиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда инкассо топшириқномасини ижро этиш мумкин эмаслиги тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, 2009 йил 6 февралда суднинг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Мазкур ҳал қилув қарори юзасидан жавобгар Навоий вилояти божхона бошқармасининг берган апелляция шикояти суд томонидан 2009 йил 26 мартда кўрилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди ҳамда қонунбузарликка йўл қўйган вилоят божхона бошқармасининг масъул ходимларига нисбатан чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига хусусий ажрим чиқарилди.

2009 йилнинг 3 ойи давомида вилоятнинг 3 та туман ва шаҳарларида ўтказилган ўрганишларда 27 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 3 та тақдимнома киритилган.

Бундан ташқари, бўлим томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб судларга жами 3 та қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ва инкассо топшириқномасини ижро этиш мумкин эмаслиги ҳақида ҳамда 2 та шартномавий мажбуриятлардан келиб чиқадиган 363 578,24 АҚШ доллари ундириш ҳақида даъво аризалари киритилди. Жумладан, "Бахт-текстил" қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб, Тошкент шаҳар хўжалик судига киритилган даъво аризаси ана шулардан биридир.

**Зоҳиджон СОБИРОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонуни 2008 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, 2009 йил 27 мартда Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2009 йил 8 апрелда матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.**

## Қонун моҳияти

# Суд ходимларининг мансаб даражалари

### ва унга оид янгиликлар

ҚОНУННИНГ асосий мақсади, Олий суд ҳузуридаги Марказнинг қайси тоифадаги ходимларига қандай мансаб даражалари берилишини белгилашдан иборатдир.

**"Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги Қонун иккита моддадан иборат бўлиб, ушбу Қонун билан **"Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низом"**га бир қанча ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Низомнинг номи **"Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низом"** деб ўзгартирилди.

Қонунга асосан киритилган ўзгартишлар Низомнинг 1, 2 ва 10-бандларига тегишли бўлиб, уларда "Суд" деган сўз **"Суд ва марказ"** деган сўзлар билан алмаштирилди, 5-банд, 2-хатбошисидаги "умумий юрисдикция судлари аппарати" деган сўзлардан кейин **"Марказ"** деган сўз қўшилди.

Бундан ташқари, Низомнинг 3-бандидаги "**суд ходимларига"** деган сўзлар чиқариб ташланди. Бу ўзгариш билан мансаб даражалари берилишига қўйиладиган талаблар Марказ ходимларига ҳам тааллуқли эканлиги назарда тутилди.

Мазкур Қонун билан киритилган ўзгартишларга кўра, Марказ директорига **1-даражали адлия маслаҳатчиси,** Марказ директорининг ўринбосарига, Марказнинг бўлим бошлиқларига **2-даражали адлия маслаҳатчиси,** Марказнинг бош ва етакчи консультантларига **3-даражали адлия маслаҳатчиси**, Марказнинг катта консультантларига, кадрлар бўйича катта инспектори ва девонхона мудирига **1-даражали юрист** мансаб даражалари берилиши белгиланди.

Хусусан, Низомнинг 4-бандига киритилган ўзгартишларда Марказ ходимларига ҳам мансаб даражалари берилиши назарда тутилди. Унга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқлари билан бир қаторда **Марказ директорига 1-даражали адлия маслаҳатчиси;** Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига, бўлим бошлиқларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчилари билан бир қаторда **Марказ директорининг ўринбосарига, Марказнинг бўлим бошлиқларига 2-даражали адлия маслаҳатчиси;** Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди Раёсати котибиятининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантлари билан бир қаторда **Марказнинг бош ва етакчи консультантларига** 3-даражали адлия маслаҳатчиси; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг консультантларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига, бош мутахассислари билан бир қаторда **Марказнинг катта консультантларига, кадрлар бўйича катта инспекторига ва девонхона мудирига 1-даражали юрист** мансаб даражаси берилиши белгиланди.

Низомга киритилган ўзгартишларга кўра, Олий суд ҳузуридаги Марказ ходимларига суд ходими мансаб даражаси ходимларнинг қайси лавозимга тайинланганлиги, билим ва тажрибаси, ишда алоҳида ўрнак кўрсатгани ёки хизмат бурчини намунали бажаргани ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Мустақил ахборот-таҳлил ва маслаҳат муассасаси ҳисобланган Олий суд ҳузуридаги тадқиқот марказининг ходимларига тегишли мансаб даражалари берилишининг белгиланиши марказ ходимларининг ҳуқуқий ҳолатини аниқлашга, меҳнатга муносабатини кучайтиришга, билим ва тажрибасидан самарали фойдаланишга, бу орқали эса улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши бўйича масъулиятини оширишга эришилади. Бундан ташқари, Марказ ходимларига уларнинг мансаб даражаларини инобатга олиб, меҳнатига ҳақ тўлашнинг оқилона ташкил этилишини таъминлайди.

Бир қатор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси ҳамда мамлакатимиз суд амалиётидаги ҳозирги реал аҳволдан келиб чиқиб, Олий суд ҳузурида Марказ ташкил этилиши ва унинг ходимларига суд ходими мансаб даражалари берилишини суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур Қонунга мувофиқ Марказ ходимларига суд ходими мансаб даражасининг берилиши билан уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайиб, ходимларнинг меҳнат фаолиятини объектив баҳолаш ва қадрлаш, шунингдек Марказ ходимларининг суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятларини рағбатлантириш имконини беради.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

## Жавобгарлик ҳисси

# Мурожаатлар эътиборда

### Жорий йилнинг биринчи чорагида адлия органлари томонидан 6 минг 300 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСи "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Адлия вазирлигининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси таркибида фуқароларни қабул қилиш, хат ва аризалар бўлими ташкил этилган, ушбу бўлим фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини қабул қилиш, қайд этиш ва ҳисобга олиш, шунингдек белгиланган муддатларда ижро этилишини назорат қилади.**

2009 ЙИЛНИНГ I чорак якунлари бўйича адлия органлари ва муассасалари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳисобот даврида **адлия органлари томонидан жами 6 минг 300 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилиб,** 63,5 фоизи ёки 4003 таси қаноатлантирилди.



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, **инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасига** алоҳида аҳамият қаратилиб, ҳисобот даврида адлия органларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни сўраб фуқаролардан келиб тушган 1168 та шикоятдан 311 таси, "Ишонч телефонлари"га келиб тушган 88 та мурожаатнинг 48 таси қаноатлантирилган. Қонунбузилиш ҳолатларини содир этган тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига 270 та тақдимнома киритилди. Унга асосан давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларнинг 44 та ҳужжати ижроси бекор қилиниб, 344 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 22 нафар айбдор мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 115 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хусусан, Адлия вазирлигининг 2009 йил I чорагига мўлжалланган иш режасига асосан Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларида **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Хаджиев фуқаро Ш.Игамбердиевнинг 2009 йил 18 декабрь куни ёзган аризаси бўйича қонуний муддатда жавоб бермаганлиги бўйича маъмурий баённома тузилиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани судига киритилди. Ушбу маъмурий иш суд томонидан 2009 йил 9 март куни кўриб чиқилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган Р.Хаджиев Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида, жарима жазоси тайинланди.

Шунингдек, Наманган вилояти, Учқўрғон туманида яшовчи фуқаро Н.Турсунованинг Наманган вилояти ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ноқонуний ишдан бўшатилганлиги юзасидан ёзган шикояти ўрганиб чиқилиб, Наманган вилояти ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармасига фуқаро Н.Турсуновани ишга тиклаш тўғрисида тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномага асосан Н.Турсуновани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилиниб, ўз лавозимига тикланди ҳамда мажбурий прогул вақти учун 2 миллион сўм ундириб берилди. Айбдор ходим, яъни кадрлар ва маркетинг бўлими мутахассиси И.Хабибуллинага нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси эълон қилинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан "ТТЗ" ОАЖдан 2 678 нафар ходимнинг 397 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Бу борада бошқа идоралар билан ҳам ишларни ҳамкорликда олиб бориш бўйича адлия органлари томонидан бир қатор вазифалар белгиланиб чора-тадбирлар тузилмоқда.

**Ҳусан ОЧИЛОВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари**

## Фаолият

# Самарадорлик — асосий мезон

### унга амал қилиш муҳим вазифа саналади

**МУСТАҚИЛ ватанимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳар томонлама ривожлантиришга катта аҳамият берилаётгани ўз самарасини кўрсатаётир. Бугунги кунда воҳамизда ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлганларнинг 21,8 фоиздан зиёдроғи кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатишмоқда, ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг қарийб 50,6 фоизи улар ҳиссасига тўғри келаётир.**

НАЗОРАТ қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг ҳудудий комиссиялари зиммасига назорат қилувчи органлар фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш вазифаси юклатилган. Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги **"Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"**ги Фармонига асосан 2009 йил текширишлари режа-жадвали лойиҳаси назорат органларининг ходимлари билан қайта ўрганилиб, текширишлар сони 30 фоизга қисқартирилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳар қандай шаклдаги асоссиз аралашувлар ва тўсиқларни чеклаш зарурлиги бот-бот уқдирилмоқда. Масалан, Республика Кенгашининг 2009 йил 6 мартдаги 1-сонли йиғилиш баёнига асосан, текширишлар сони 2008 йилга нисбатан 62 фоизга қисқартирилиши белгиланган.

Чунончи, вилоят ҳудудий комиссиясининг тақдимномасига асосан ўтган йили 36 нафар, шу йилнинг ўтган даврида эса 6 нафар назорат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан интизомий жазо чораси ҳамда эгаллаб турган вазифасидан озод этишгача бўлган чоралар қўлланилди. Бундан ташқари, назорат қилувчи органлар томонидан ҳудудий комиссияга режадан ташқари текшириш учун рухсат сўралган 473 та буюртмадаги 214 та хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари ўрганиб чиқилиб, шундан 138 тасига рухсат берилган, қолганлари текшириш учун асос бўлувчи далил ва ҳужжатлар етарли бўлмагани учун рад қилинган. Шуни ҳам айтиш зарурки, айрим тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйиш борасида ҳудудий комиссия рухсатига биноан вилоят Давлат солиқ органлари томонидан 55 та ҳолатда режадан ташқари ўтказилган қисқа муддатли текширишлар ўз самарасини берган.

Шу билан бирга ушбу йўналишда ҳудудий комиссиялар ҳамда назорат органлари фаолиятида ҳам жузъий нуқсонлар кўзга ташланаётир. Қизириқ, Қумқўрғон, Жарқўрғон ва Бойсун тумани ҳудудий кенгашлари, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси вилоят бўлимининг текширишларни тартибга келтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда ижро назоратини йўлга қўйиш борасида туб бурилиш ясаш билан бирга бу ҳақда вилоят комиссиясига ёзма ахборот бериш вазифаси юкланганди. Таассуфлар бўлсинки, орадан анча вақт ўтганига қарамасдан, танқиддан тегишли хулосалар чиқарилмади. Ваҳоланки, ушбу масала Республика Кенгаши назоратида турибди. Ўз-ўзидан маълумки, энди масалага қатъий ёндашув ҳамда зарур бўлганда тегишли хулосалар чиқаришга тўғри келади.

Текширишлар сонини камайтириш, самарадорликни ошириш масалаларига бағишлаб, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ва туман (шаҳар) ҳудудий комиссиялари 15 марта йиғилиш ўтказди, жойларда 28 марта семинар ташкил этилиб, ОАВда 18 марта чиқишлар қилинди.

Давлат солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи хусусиятлари ошиб бораётгани ҳам истиқбол қалдирғочлари — тадбиркору ишбилармонлар учун беқиёс имкониятларни вужудга келтирмоқда. Солиқ текширувларининг соддалаштирилиб, камайтирилаётгани тадбиркорларимизнинг эркинлигини таъминлаш баробарида уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги муваффақиятларига пухта ва барқарор замин яратаётир.

**Рустам ҚЎЧҚОРОВ,**
**Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, ҳудудий комиссия раиси ўринбосари**

## Нигоҳ

# Ҳимоя масаласи

### аввало, айбланувчига тааллуқлидир

**МАЪЛУМКИ, ҳимоя — айбланувчи шахснинг айбсизлигини аниқлаш ёки унинг айбини юмшатиш мақсадида ўтказиладиган процессуал ҳаракат ҳисобланади.**

ҲИМОЯ айбни қўйиш ҳаракати билан бир вақтда олиб борилади. Жиноят қонунчилигида айбланувчига ҳимояланиш учун шароитлар яратилади. Жиноят процессуал кодексининг 24-моддасида **"Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга, ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий, имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади"**, деб белгиланган. Бинобарин, Президентимизнинг 2008 йил 5 майдаги **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг эълон қилиниши бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этди, десак янглишмаймиз. Мазкур Фармон моҳият-эътибори билан суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг обрўйи ва нуфузини оширишга хизмат қилади.



Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида, чунончи, ЖПКнинг 46-моддасида айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Мазкур моддага мувофиқ, айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганлигини билиши, қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш сингари ҳуқуқларга эга. Айни чоғда айбланувчининг қатор мажбуриятлари ҳам белгиланган. Жумладан, айбланувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштиришга уринмаслиги лозим.

Албатта, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари орасида ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи муҳим ўрин эгаллайди.

**Дилноза ТУРСУНОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

**Ҳуқуқий маърифат**

# Хориж фуқароси

## мамлакатимизда қандай тартибда никоҳдан ўтказилади?

**ЭЪТИРОФ этиш жоизки, истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётига таааллуқли ҳар бир муносабат янгича мазмун-моҳият касб этди. Буни никоҳга, яъни оилавий муносабатларга киришиш масаласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, МДҲ ва чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг хорижда яшовчи фуқароларининг никоҳини қайд этишда ҳам эркинлик яратилди. Хўш, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс қандай тартибда никоҳдан ўтказилади?**



ОИЛА кодексининг 234-моддасида **“Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар”** дея белгиланган. Шунга кўра, ФХДЁ органларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг МДҲ мамлакатлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ва Ўзбекистон фуқароси ўртасидаги никоҳ агар ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина қайд қилинади. Чет эл фуқароларининг никоҳини қайд этишда, аввало, ўша давлатнинг мазкур никоҳга розилиги талаб қилиниб, шу орқали никоҳни қайд этиш учун монеликлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Масалан, ушбу никоҳ чет давлатнинг қонунларига зид бўлса, никоҳланувчи чет эл фуқароси Ўзбекистонда белгиланган никоҳ ёшига етмаган бўлса ёки ўз мамлакатида икки ёки ундан ортиқ хотин олиш ҳуқуқига эга бўлганда ҳам Ўзбекистон ҳудудида унинг никоҳи қайд этилмайди. Бу талаблар чет эл фуқароси билан никоҳга кирувчи Ўзбекистон фуқаросининг ва бу никоҳдан туғиладиган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон фуқароси билан никоҳга кираётган чет эл фуқароси ўз мамлакатида маълум бўлган ҳуқуқий имтиёзларни талаб қилишга ҳақли эмас. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда никоҳ тузиш шартлари эса улар доимий яшаб турган давлат қонунларига итоат этади. Агар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистонда доимий яшаса, унинг никоҳи Ўзбекистон қонунларига асосан қайд этилади.

Айни пайтдаги қонун-қоидаларга мувофиқ Ўзбекистонда никоҳи қайд этилган чет эл фуқароси 50 АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўлайди. МДҲ мамлакатлари фуқаролари эса бу борада худди Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган тўловни амалга оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ҳар қандай эркак ёки аёлнинг ҳар қандай давлатнинг фуқароси бўлган аёл ёки эркак билан Ўзбекистон ёхуд хорижий мамлакатда никоҳдан ўтиши ёки бу никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролик ҳолатига таъсир қилмайди. Агар эр-хотиннинг бири эр ёки хотин мансуб бўлган давлат фуқаролигига ўтишни хоҳласа, бу масала қонунда белгиланган умумий тартибда ҳал этилади.

**Бахтиёр ФОЗИЛОВ,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

**31 май – Халқаро кашандаликка қарши кураш куни**

# Чекиш ҳужайрага сохта “рағбат” бағишлайди

## аммо унинг зарари...

**ИНСОН учун энг улкан бойлик унинг саломатлиги. Аммо бу бойликни емириб, унинг саломатлигига ва жамиятга хавф солувчи кушандалар кўп. Ана шулардан бири кашандалик, тамаки чекиш ҳисобланади.**

МАЪЛУМОТЛАРГА кўра, кунига бир қутидан сигарет чекадиган кишининг нафас йўлларига 20 йил давомида тахминан 6 кг. зарарли моддалар ўтириб қолар экан. Уларнинг энг асосийлари: никотин, ис гази, цианид кислота, азот оксидлари, фенол, аммиак, канцероген, гербицидлар, радиактив элементлардир.

Чекиш, айниқса, юрак ва қон-томир тизимига салбий таъсирини тез ўтказади. Бундан ташқари, гипертониянинг пайдо бўлиши, юрак томирлари ва бош миянинг атеросклерози эрта учраши, юракнинг ишемия касаллиги, миокард инфаркти ва бошқа оғир кечувчи касалликларнинг пайдо бўлиши хавфини яққол оширадиган бирдан-бир сабабдир. Француз олимларининг фикрича, қон айланиш тизими касалликлари ривожланишининг деярли 90 фоизи сигарет чекиш билан боғлиқ экан.

Кашанданинг юраги чекмайдиган кишининг юрагига қараганда дақиқасига ўртача 10 марта ортиқча қисқаради, зарб ҳажми 50-60 мл. га ошганда, бир кеча-кундузда 14 400 марта ортиқча қисқариб, қонни меъёрдан бир неча баробар кўп ҳайдайди. Бундай зўриқиш юрак мушакларининг вақтидан олдин чарчашига, заифлашишига олиб келади. Бир дона сигарет чеккандан кейин никотин таъсирида томирлар 30 дақиқа мобайнида спазм (торайиш)га учрайди, демак, ҳар ярим соатда чекиб турадиган кишининг қон томирлари доимо спазм ҳолатида бўлади. Никотин билан сурункали заҳарланиш таъсирида қон томирлари торайгач, артериал босимнинг ошиши содир бўлади. Битта сигарет чеккандан кейин қон босими 10-25 бирликка кўтарилади.



Чекувчиларда гипертония эрта (35-45 ёшдан) ривожланиб, оғирроқ кечади. Чекиш юрак тож томирларининг атеросклерозига эрта (25-35 ёш) олиб келади, бунда артерияларнинг ички қавати зарарланиб, унда ёғсимон моддалар (холестерин ва бошқалар) йиғилиб, натижада томирлар торайиб, қон оқими бузилади, бу эса ўз навбатида кислороднинг юракка тушишини қийинлаштириб, юракнинг ишемик касаллиги ривожланишига сабаб бўлади.

Охирги ўн йилликларда фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш ва булар оқибатида меҳнат мазмуни ва табиатининг тубдан ўзгариши инсонга тамаки таъсирининг салбий таъсирларидан бирини очиб берди, яъни чекиш инсоннинг меҳнат қобилиятига таъсир қилиб, тез-тез ва мунтазам чекиш асаб тизими ҳужайраларини ҳолдан тойдиради, шу туфайли миянинг мантиқий-ахборот йиғиш шаклидаги фаоллаштирувчи қобилиятини эрта толиқтиради. Дастлабки, бир-иккита сигарет чекилгандан сўнг мияда қон айланишининг қисқа муддатли яхшиланиши натижасида гўёки, иш қобилияти ортгандек туюлади, ваҳоланки, бу сохта “рағбат” ҳисобланади.

Бу каби ҳолат, айниқса, ёшларда салбий оқибат келтириб чиқараётганлигини кўплаб тадқиқотлар исботламоқда. Жумладан, 9 нафар чекувчи ва 9 нафар чекмайдиган талаба билан хорижда ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, чекиш таъсирида эслаб қолиш 4,42 фоизга, сонларни қўшиш 5,55 фоизга, ҳарфларни ўчириш аниқлиги 7,09 фоизга камайган. Бу чекиш таъсирида қоннинг кислород билан тўйинишининг камайиши натижасида бош мия зарарланиши туфайли юзага келади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ёнаётган сигарета билан бирга инсон учун энг бебаҳо бойлик — “саломатлиги ҳам ёниши”дан далолат беради.

**Шоира ҚОДИРОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси**

**Жиноятга жазо муқаррар**

# Омонатга хиёнат

## ҳар доим охири вой билан тугайди

**— БОЛАМ бу дунёда бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан оғирроқ гуноҳ йўқ. Инсоннинг иймони бут, лафзи ҳалол бўлиши керак.**



ОДАМЛАР сен ҳақингда ҳар хил гап тарқатиб юрибди, эсингни вақтида йиғиб ол. Яра томир отгандан кейин унинг заҳри жонга қаттиқ озор беради. Шунингдек, бировнинг ҳақи ҳам жоннинг жабри. Қарзингни вақтида уз. Йўқолган пичоқнинг сопи олтиндан, деганларидек эртага олган қарзинг сени хароб қилади. Энг муҳими, икки боланинг онасисан. Яримта нон — роҳати жон. Борига қаноат қилиб ҳалол яша. Фирибгарлик қаллоблик, ёлғончиликнинг умри қисқа, охири вой. Энг муҳими, омонатга ҳеч қачон хиёнат қилма, бу гуноҳларнинг энг каттаси...

Бироқ бугун она деган муқаддас номга доғ тушириб, озодликдан маҳрум бўлган Самарқанд шаҳридаги Гагарин кўчаси, 178-уйда яшовчи, 1958 йилда туғилган Мустаҳкам Носирова падари бузрукворининг панду насиҳатига қулоқ солмай, фирибгарлик, ёлғончилик қилиб, қўшниси Мунира Ҳаққуловадан 6 миллион сўмлик турли хил қимматбаҳо буюмларни сотиб бераман, деб ваъда қилиб олди-ю, лекин ваъдага вафо қилмади. Ўзи олиб кетган нарсаларни дастлаб тан олмади, кейинчалик гувоҳларнинг инкор этиб бўлмас далиллари уни айбига иқрор бўлишига мажбур этди.

Шу йилнинг 9 январида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очиқ суд мажлисида З.Азимова раислигида ушбу жиноий иш кўриб чиқилиб, судланувчи Мустаҳкам Носирова Жиноят кодексининг 168-моддаси, 2-қисми, “а” банди билан айбдор, деб топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жиноятчи ўз қилмишига яраша жазо олди. Қилган топади, эккан ўради, деганларидек, Мустаҳкам ўз жазосини олди, деб ушбу мавзуга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Бироқ масаланинг бошқа томони кишини ўйлантиради. Нимагадир бугунга келиб кўпчилик одамлар ёлғон гапириш, фирибгарлик, энг ёмони, ўзгаларнинг ҳақига хиёнат қилишдан хазар қилмай қўйди. Ачинарлиси, бугун кишилар ўртасида ўзаро ишонч деган муқаддас туйғу йўқолиб бораётгани ташвишли ҳол, албатта. Яна бир гап. Аксарият кишилар бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури қабилида иш тутиб, найрангбозлик, товламачилик, ёлғончиликни ўзларига касб қилиб олганлигини эшитиб ҳайратга тушасан киши. Ҳаммадан ҳам аянчлиси, аксарият кишилар иймон, эътиқод, лафз деган инсоний тушунчаларга хиёнат қилмоқдалар. Ҳаттоки айримлар пул учун бегоналар у ёқда турсин, ўз яқинлари, ака-укалари, кези келганда ота-онасини ҳам алдаб, чув тушириб кетаётганлиги ғоят аянчлидир. Фирибгарлик, найрангбозлик, ёлғончилик билан ўзларининг ҳаёю ибоси билан оламни маҳлиё қилган ўзбек аёллари, опа-сингилларимиз ҳам шуғулланаётганлиги кечирилмас ҳолдир.

Яна юқоридаги воқеага қайтсак: Икки нафар фарзанднинг онаси, бекдек эрнинг умр йўлдоши, ўзининг нафсига эрк берганлиги учун энди уч йил панжара ортида ўтиради. Бу даврда болаларнинг аҳволи нима кечади? Уларнинг тарбияси-чи? Эртага улар қандай одам бўлиб вояга етади?

Турмуши хонавайрон бўлган эр кишининг ҳаёти нима бўлади? Оналик, аёллик шаънига доғ туширган Мустаҳкам жазони ўтаб келгандан кейин, маҳалласи, қўшнилари олдида юзи шувут бўлмайдими?

Доно халқимиз ҳар бир мақолни ўйлаб айтган. Омонатга хиёнат қилишнинг ҳар доим охири вой бўлган. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

**Хондамир МАРДИЕВ,**
**Самарқанд шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси,**
**Азим ҚОДИРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

**Журналист суриштируви**

# Токайгача оворагарчилик

## давом этади?

**ХУСУСИЙ МУЛК киши эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шу маънода бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулкнинг дахлсиз деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Шунинг баробарида хусусий мулкка оид низолар кўлами кенгайганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Айниқса, уй-жой низоси...**



ТОШКЕНТ ШАҲАР, Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Зарифа Саримсоқованинг шикояти ҳам айнан уй-жой низосига оид. Унда жумладан шундай дейилади:

“2003 йил 10 январь куни Роза Турлибоевадан “Фарғона йўли” кўчаси, 3-уй, 51-хонадонни нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида сотиб олдим. Бундан, албатта, оиламиз билан жуда қувондик. Бироқ хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Аввалдан бу уйда ижарада яшаб келган Сайдуллаевлар оиласи бир неча йилдирки, менга тегишли хонадонни бўшатмай келаяпти. Албатта, мулкдор сифатида ўз мулкимни ўзганинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш мақсадида судга мурожаат қилдим. Бироқ қарийб 4 йилдирки, фуқаролик судларининг инстанцияларида, иш гарчанд менинг фойдамга ҳал бўлса-да, Сайдуллаевлар оиласи уйимни бўшатмаяпти. Энг ёмони, улар шу мақсадда менга туҳмат уюштиришдан ҳам уялмади. Натижада жиноий жавобгарликка тортилдим. Тўғри, айбим исботланмай туриб, амнистия муносабати билан суд залидан озод этилдим. Аммо пок шаънимга доғ тушди, турмуш ўртоғим бебаҳо соғлигидан ажралди. Ҳеч қандай айбим йўқлиги туфайли оқлов ҳукми чиқарилишида ва суднинг жавобгарларни мажбурий кўчириш тўғрисидаги ажрими ижроси таъминланишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман”.

Мазкур шикоятга доир иш ҳужжатларидан кўринишича, Зарифа Саримсоқова Роза Турлибоевадан “Фарғона йўли” кўчаси, 3-уй, 51-хонадонни нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида сотиб олади ва 2003 йил 5 февралда ўғли Жавоҳир билан мазкур хонадонда доимий яшаш учун рўйхатдан ўтади. З.Саримсоқованинг таъкидлашича, аввалдан ижарада яшаб келган Сирожиддин ака Сайдуллаев бу уйда вақтинча яшаб туриш учун уйнинг янги эгасидан ижозат сўрайди. Зарифа опа ўша кезда уйга эҳтиёжи йўқлигини инобатга олиб, коммунал тўловларни тўлаш шарти билан Сайдуллаевларнинг вақтинча яшаб туришларига розилик беради. Бироқ 2005 йилга келиб Сайдуллаевлар коммунал тўловларни амалга оширмаётганидан хабар топган Зарифа опа улардан уйни бўшатишларини сўрайди. Сирожиддин ака ва унинг оила аъзолари бундан бош тортишади. Оқибатда З.Саримсоқова фуқаролик ишлари бўйича Бектемир туманлараро судига С.Сайдуллаев ва унинг оила аъзоларини мажбурий тартибда кўчириш тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат қилади. Бу даъво суд томонидан қаноатлантирилади. С.Сайдуллаев эса, мазкур қарордан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясига мурожаат қилади. Апелляция инстанциясида фуқаролик ишлари бўйича Бектемир туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, даъвогарнинг шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилади. Очиғи, бу жараён бамисоли тегирмон чархпалагидек ҳанузгача давом этаётир.

Хўш, 4 йилдан буён С.Сайдуллаевлар оиласи ижарачи бўла туриб, ўзганинг эгалигидаги хонадонни бўшатишдан нега бош тортаяпти? Журналист суриштируви чоғида Сирожиддин ака бу саволга шундай жавоб берди:

— Бу хонадон учун Роза Турлибоевага пулни мен тўлаганман, Зарифа эмас. Фақат Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турмаганлигим туфайли Зарифа Саримсоқова номига расмийлаштирганмиз, холос. Бу аёл Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтказиб беришни ваъда қилиб, 2005 йилда мендан 300 АҚШ доллари олган. Бу қилмиши учун 2008 йилда жавобгарликка тортилди.

— Нега ўз вақтида, яъни 2005 йилда эмас, 2008 йилда, орадан уч йил ўтганидан кейин бу тўғрида ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилдингиз? – сўраймиз Сирожиддин акадан.

— Мен бундай қилмиш жиноят эканини ўз вақтида билмаганман...

Бир қарашда Сирожиддин аканинг сўзлари асослидек туюлади. Лекин З.Саримсоқова томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан танишгач...

Гап шундаки, Роза Турлибоева 2002 йил 23 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Бектемир туманлараро судига Сирожиддин Сайдуллаев (!) ҳамда унинг оила аъзоларини мажбурий тартибда кўчириш тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат қилади.

Эътиборлиси шундаки, мазкур суд мажлиси чоғида Сирожиддин Сайдуллаев бошқа бир фуқаро — Ш.Қорабоевага, яъни Р.Турлибоеванинг қайнсинглисига (айнан Тошкент шаҳридан доимий рўйхатдан ўтказиш учун) 300 АҚШ доллари бергани тўғрисида кўрсатма беради. Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, Р.Турлибоеванинг даъвосини қаноатлантиради. Негадир мазкур ҳал қилув қарори ижроси таъминланмайди. Қизиқ, одатда сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичишга ҳаракат қилади. С.Сайдуллаев эса Ш.Қорабоевага 300 АҚШ доллари бериб, куйиб қолгани етмагандек, З.Саримсоқовага ҳам 300 АҚШ долларини нега ҳе йўқ, бе йўқ бериб юборди экан-а?.. Яна бир гап. Сирожиддин ака уй учун пул берганининг исботи сифатида Р.Турлибоеванинг тилхатини тақдим этди. Ажабланарлиси шундаки, бу тилхатни инкор этувчи С.Сайдуллаевнинг қўли билан ёзилган яна бир тилхат мавжуд. Бироқ журналист суриштируви чоғида Сирожиддин ака буни инкор этди. Ҳатто, “Уйнинг собиқ эгаси Роза Турлибоева Сиз ва оила аъзоларингизни мажбурий тартибда кўчириш тўғрисида судга мурожаат қилганми?” деган саволимизга ҳеч иккиланмай “Йўқ!” дея жавоб берди. Хуллас, Фарғона йўли кўчаси, 51-хонадонга оид низо шу қадар чигалки, гўёки лабиринт дейсиз. Аммо 4 йилдан буён поёнига етмаётган мазкур низога, бизнингча, барҳам бериш фурсати етди. Зотан, Олий суд Пленумининг 2006 йил 26 декабрдаги **“Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг 17-бандида “Олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар. Шартноманинг ҳақиқийлиги манфаатдор шахс томонидан олди-сотди шартномасида келишилган сумманинг у томонидан тўланганлиги асоси бўйича низолашилаётганда, бу ҳолат олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди”**, деб таъкидланган. Қолаверса, иш юкламаси ниҳоятда кенг бўлган фуқаролик судлари мазкур низони яна неча бор кўриши керак?!

Хуллас, келин тушириш ниятидаги Зарифа Саримсоқова низоли хонадонни бўшаттира олмай оворaисарсон. Бу оворагарчилик токайгача давом этаркин, деган саволга жавоб топиш илинжида... Бунга ҳуқуқ ва адолат посбонлари қандай муносабат билдираркинлар?..

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

**“Huquq va Burch” ижтимоий-ҳуқуқий журналини чоп этиш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди муассислигидаги **“Huquq va Burch”** журналини чоп этиш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда банкротлик ёқасида турмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган ҳамда юқори сифатли журналларни чоп этиш билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган Тошкент шаҳридаги босмахоналар қатнашиши мумкин. Фаолияти суд ёки ҳакамлик муҳокамасида кўриб чиқилаётган, давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлган корхоналар бундан мустасно.

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2009 йил 26 майдан 9 июнгача ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни **“Huquq va Burch”** журнали таҳририятидан олишлари мумкин.

*Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.*
*Телефон: 233-93-74, 233-68-26, факс: 233-21-93*

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-415. Тиражи — 19739. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5 6 7